

## АЛЛОМА ЗАМАХШАРИЙНИНГ “НАВОБИҒ АЛ-КАЛИМ” АСАРИНИНГ ДУНЁ ҚЎЛЁЗМАЛАР ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН ҚЎЛЁЗМА ВА ТОШБОСМА НУСХАЛАРИ

Турсунов Абдулатиф Абдулҳаевич

*Тошкент давлат Шарқшунослик университети магистранти*

Буюк аждодимиз Аллома Маҳмуд Замахшарийнинг “Навобиғ ал-калим” асари араб адабиётида ва луғатшунослигида муҳим аҳамиятга эга манба ҳисобланади. Маҳмуд Замахшарий ушбу асари билан араб тили ва балоғатини ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб берган. Шунингдек, олим араб адабиётида қисқа иборали, мўжаз ва пурмаъно ҳикматларни тузишда алоҳида услубни йўлга қўйган.

«Навобиғ ал-калим» асарининг дунё қўлёмалар фондида сақланаётган қўлёмалар ва тошбосма нусхалари ҳақида кўплаб тадқиқотчилар батафсил маълумотлар ёзишган. Жумладан Доктор Камол Жабрий Абҳарий ўзининг “Аз-Замахшарий: сийратуху, осоруху, мазҳабуху ан-наҳвий” (Замахшарий: ҳаёти, илмий мерослари ва наҳв илмидаги йўналиши) номли китобида «Навобиғ ал-калим» рисоласи ва унинг қўлёмалари ҳақида шундай деган:

وهو كتاب صغير الحجم، يتضمن مجموعة من الحكم والنصائح أوردتها الزمخشري مركزه موجزة، والترم فيها السجع دون الالتزام بموضوع محدد. وقد وصفه شارحه نجيب القاضى فقال: هو كتاب متشاكل الصيغ منجانس المباني متباين المرادات متفاوت المعاني، محكم الاصول، كثير المحصول وتوجد من الكتاب نسخ خطية كثيرة موزعة في كثير من خزائن المخطوطات منها: تسع عشره نسخة في مكتبات السليمانية ومنه نسخة في مكتبة عاشر أفندي برقم ٤١٦، ومنها ثلاث نسخ في مكتبة عارف حكمت بالمدينة المنورة، (أرقامها: ٣٢٤ أدب ٤٧ قديم - ١٦٧ جديد / مجاميع ١٤٤ قديم - ٢٢١ جديد. ومنها نسخة في مكتبة الاحمدية بحلب تحت (رقم: ١١٨٠).

“Бу кичик ҳажмдаги китоб бўлиб, Замахшарий келтириб ўтган қисқача шаклдаги ҳикмат ва насиҳатлар тўпламидан иборат. Унда ҳикматлар маълум бир мавзуга белгиланмаган ҳолда сажъ услубида ёритилган. Унинг шарҳловчи олимлардан бири Нажиб Ал-Қадавий уни таърифлаб: “Ушбу рисола шакли ўхшаш, тузулиши изчилликка эга, маънолари хилма-хил, кўзланган мақсадлари бир-биридан фарқли, қоидалари мустаҳкам бўлган, фойдалари мўл бўлган китобдир”, деган. «Навобиғ ал-калим»нинг кўплаб қўлёмалар фондларида кўплаб қўлёмалар нусхалари мавжуд. Жумладан: Сулаймония кутубхоналарида ўн тўққизта нусха бор. Ошур Афанди кутубхонасида (416-рақам остида) битта нусха, Мадинаи мунавварадаги Ориф Ҳикмат кутубхонасида учта нусха, Ҳалабдаги “Аҳмадий” кутубхонасида (1180-рақам остида) битта нусхаси мавжуд”<sup>18</sup>.

Шунингдек, «Навобиғ ал-калим» асарининг қўлёмаларидан бир нусхаси Бағдодда Ироқ Миллий музейида (563-рақамда), ундан ташқари Берлинда (8676),

<sup>18</sup> Қаранг: Камол Жабрий Абҳарий. Аз-Замахшарий: сийратуху, осоруху, мазҳабухун наҳвий. Уммон: Дорул жинан нашри. Биринчи нашр. 2014 й. –Б. 114.

Лейденда (891 ва 92-рақамларда) ҳам сақланади<sup>19</sup>.

«Навобиф ал-калим» асари араб ва Европа мамлакатларида бир неча марта нашр қилинган. Жумладан, милодий ўн саккизинчи асрнинг охирида, 1772 йилда Голландиялик шарқшунос Генрих Альберт Шультейн томонидан лотин тилига таржима қилиб, шарҳлаган ва уни нашр этган. Кейин мелодий ўн тўққизинчи охирларида, 1871 йилда франциялик шарқшунос Казимр Адриян Барбиер Мейнард томонидан француз тилига таржима қилиб, нашр эттирган. Асар Мустафо Исомуддин томонидан туркчага ҳам таржима қилиниб, 1283 ҳижрий йилда Истамбулда нашр этилган. Кейин ҳижрий 1303 йили Истамбулда туркча таржимаси билан таржима қилинган. Унинг устки ғилофига таржимон номини “Али Нозима”, деб ёзилган. Доктор Ҳамза Бакрий ушбу нашрни кўрганини ёзади<sup>20</sup>. Ундан кейин ҳижрий 1306 йилда Байрутда, “Ливан” нашриётида Муҳаммад Ал-Кастий Ал-Байрутийнинг изоҳлари билан нашр этилган. Ушбу нашр кичик ҳажмда, 40 саҳифадан иборат саналади. Унинг аввалида 3 саҳифалик тақризлари ҳам бор.

Кейин 1914 йили Одам ибн Абдулғаффор Ад-Дамийнинг изоҳлари билан бирга нашр қилинган бўлиб, 50 саҳифадан иборат. Ушбу нашр кейинчалик 1935 йилда қайта чоп этилган. Мазкур икки нашр «Навобиф ал-калим»нинг аввалги нашрларидан анча яхши, имловий ва ноширлик хатолари нисбатан кам саналади. Шунингдек, ушбу нашрларда ҳикматларнинг эъроблари кўйилган, нотаниш сўз ва жумлаларга қисқача изоҳлар берилган. Шунга қарамай айрим ўринларда камчиликлар ҳам учрайди.

Бундан ташқари профессор Баҳийжа Боқир ал-Ҳусаний тадқиқ қилган танқидий нашри эса 1971 йилда “Ал-Араб” мажалласида босилиб чиқди. Ушбу нашда тадқиқотчи «Навобиф ал-калим»нинг учта қўлёзма нусхаси ҳамда олдинги чоп этилган нашрларга суянган. Китоб бошида катта муқаддима ёзиб, унда рисола ҳақида айрим илмий қарашларини ёритишга мувафақ бўлган.

1960-1961 йилларда Қоҳирадаги “Дорул араб” нашри Юсуф Ал-Бустонийнинг “Амсол аш-шарқ вал-ғарб” номли китобнинг охирида - 198-224 бетлар оралиғида «Навобиф ал-калим»ни нашр қилган. Ушбу нашрнинг аввалгилардан ажралиб турадиган хусусияти шундаки, унда ҳикматларнинг биринчи калимаси бошланган ҳарфларни алифбо ҳарфларига кўра тартибга келтирилган. Нотаниш калималарга қисқача изоҳлар берилган. Лекин ушбу нашрнинг камчилиги шундаки, унда ҳикматлар тўлиқ таҳрир қилинмаган. Бунинг натижасида жуда кўп камчиликлар, ҳарф ва калималарнинг тушиб қолиши ҳолатлари учрайди. Қолаверса, унинг ичига «Навобиф ал-калим»нинг асл нусхаларида бўлмаган шеърлар ва ҳикматлар киритиб юборилган.

Кейинчалик 1971 йилда “Ал-Араб” журналида Доктор Баҳийжа Ал-Ҳусаний тадқиқи остида нашр этилган. Ушбу нашрда тадқиқотчи «Навобиф ал-калим»нинг 3 та

<sup>19</sup> Қаранг: Рашидов О.Р. Маҳмуд Аз-Замахшарий илмий меросининг жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаси. Жаҳон тарихининг долзарб муаммолари илмий амалий анжуман мақолалар тўплами. Бухоро: Шарқ Бухоро нашриёти. 2020 й. –Б: 121-125.

<sup>20</sup> Қаранг: Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Ан-Ниям ас-савабиф фи шарҳи Ан-Навобиф. Истамбул: Дорул лубоб. Биринчи нашр. 2018 й. –Б. 40.

кўлөзма нусхаси ҳамда 1871 йилдаги Париж нашри ва ҳижрий 1306 йилда чоп этилган “Байрут” нашрига таянади. Унинг аввалги нашрлардан устунлик жиҳати аввалги кўлөзма манбалар асосида тадқиқ қилингани, изоҳга ҳожат бўлган ўринларда муҳим изоҳлар берилгани саналади<sup>21</sup>.

Мелодий 1896 йили эса Абу Ҳасан Абдулваҳҳоб ибн Алоиддин Хоразмийнинг шарҳи билан бирга Қозонда ҳам нашр этилган.

Шунингдек, 2006 йилда “Мақтаба ас-сақофа ад-динийя” нашриёти томонидан ҳам нашр этилган бўлсада, ушбу нашр муайян тадқиқотчи томонидан амалга оширилмаган.

2018 йилда «Навобиф ал-калим» рисоласи “Калим ан-Навобиф” номида Ҳалаблик тадқиқотчи олим Муҳаммад Зоҳид Ибн Абдул Фаттоҳ Абу Ғудда томонидан нашр этилган. Ушбу нашр муқаддимасида Аллома Замахшарийнинг қисқача ҳаёти ва илмий фаолияти ҳамда рисола ҳақида қисқа шаклда тўхталиб ўтилган. Тадқиқотчи жумладан шундай деган:

وكننت قد طالعت الكلم قبل سنوات في طبعتها القديمة الضعيفة، وأردت من قريب أن أعود لقرائها، ففوجئت بخلو المكتبة العربية من طبعة مناسبة لهذا العمل الأدبي واللغوي الجليل، فأحببت إخراجها إخراجاً مع شرح بسيط جداً، على نحو يناسب المتأديبين، وإن كان دون متطلبات التحقيق العلمي،

“Мен “Ал-Калим ан-навобиф”ни бир неча йил аввал унинг эски, заиф нашрини ўқиган эдим. Яқинда уни қайта ўқимоқчи бўлганимда, араб кутубхонасида бу буюк адабий ва лингвистик асарнинг қадрига мос нашр йўқлигини гувоҳи бўлдим. Шунинг учун мен ушбу асарни содда шаклдаги шарҳи билан бирга қайта нашр қилишни маъқул кўрдим. Ушбу нашр гарчи илмий тадқиқот талабларига тўла мос келмасида, асосан содда изоҳлар ва адабиётшунослар услубига мос тарзда тартибга солинди”<sup>22</sup>.

Тадқиқотчи ушбу нашрда «Навобиф ал-калим»нинг Техрондаги “Ал-Мақтаба Ал-Ватанийя” кўлөзмалар фондидаги қадимий нусхасидан ҳамда Муҳаммад ибн Иброҳим Ал-Ҳанафийнинг “Савобифу ан-Ниам” номли шарҳидан фойдаланганини маълум қилган.

“Муъжамул матбуот” китобида Замахшарийнинг «Навобиф ал-калим» рисоласи Мисрда ҳижрий 1287 йили, кейин ҳижрий 1305 йили чоп этилган, дейилган<sup>23</sup>. Аслида ушбу китобда зикр қилинган нашрлар яхлит матннинг чоп этилганини эмас, балки уни шарҳлари билан нашр этилган. Чунки “Муъжамул матбуот” китобининг ўзида ҳам “Тафтазонийнинг “Ниамус савобиф” китоби Мисрда 1287 йилда чоп этилди” дейилган.

«Навобиф ал-калим» рисоласининг энг охириги ва энг мукаммал нашри 2018 йили Туркиянинг “Дорул Лубоб” нашриёти томонидан чоп этилди. Ушбу нашрнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, унда «Навобиф ал-калим» рисоласи Йорданиялик машхур олим Доктор Ҳамза Бакрий томонидан илмий тадқиқ этилган. Ушбу нашр асарнинг Аллома Саъдуддин Тафтазоний томонидан ёзилган “Ан-Ниамус савобиф фи шарҳ Ан-

<sup>21</sup> Муаллифлар жамоаси. “Ал-Араб” ойлик журнали. Риёз: Дорул Ямома нашри. 1970 й. 9-сон. –Б. 838.

<sup>22</sup> Аллома Жоруллоҳ Маҳмуд ибн Умар Аз-Замахшарий. Лим Ан-Навобиф. Муҳаммад Зоҳид ибн Абдулфаттоҳ Абу Ғуда тадқиқи остида. Торонто: нашриёт номи кўрсатилмаган. 2018 й. –Б. 5.

<sup>23</sup> Муъжамул матбуот. 2-жуз. –Б. 976.

Навобиг” номли шарҳи билан бирга чоп этилган. Шундай бўлсада, Доктор Ҳама Бакрий «Навобиг ал-калим» рисоласининг Измир шаҳридаги сақланаётган қадимий қўлёзма нусхаси ҳамда ундан ташқари яна тўртта қўлёзма нусхага таянган ҳолда асарнинг танқидий матнини яратган. Шу билан бирга аввал чоп этилган учта нусхага ҳам солиштириб чиққан ва орадаги муҳим фарқларни ҳаволада қайд этиб чиққан<sup>24</sup>. Асар сўнгида “Тавобигулу калим ан-навобиг ва таволи ан-ниам ас-савабиг” рисоласини ҳам қўшган. Ушбу рисола “Ан-Навобиг калим”нинг зайли<sup>25</sup> (илова) ҳисобланади. Ушбу рисола муқаддимасида Доктор Ҳамза Бакрий Аллома Замахшарийнинг “Асасул балоға”, “Робийул аброр”, “Кашшоф”каби машхур асарларида «Навобиг ал-калим»даги каби услуба зикр қилиб ўтган ҳикматли сўзларини саралаб олиб, алоҳида жамлаганини айтиб ўтади<sup>26</sup>.

Ушбу рисолада ҳикматларнинг мазмунидан келиб чиқиб, шартли равишда тўққизта мавзуга ажратади. Ушбу мавзулар остида жами 210 та ҳикматларни келтириб ўтади. Ҳар бир ҳикмат Замахшарийнинг айнан қайси асаридан олингани ҳақида ҳаволада аниқ маълумотларни бериб борилган. Ҳикматлардаги изоҳлашга зарурат туғулган айрим сўз ва иборалар ҳавола орқали қисқа тарзда шарҳланган.

Хулоса қилиб айтганда «Навобиг ал-калим»нинг илмий жиҳатдан мукамаллиги, қўлланилиши бўйича қулайлиги унинг илмий доираларда кенг тарқалганлигини кўрсатади. Шу боис асар қўплаб қўлёзма нусхаларда кўчирилган ва дунёнинг турли мамлакатларига тарқалган дейиш мумкин. Ушбу асар XII асрнинг йирик ижтимоий, тарихий, маданий, лисоний, ахлоқий соҳаларга оид манбаъ бўлиб, унда кўтарилган ижтимоий муаммолар бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган.

Айниқса, аллома Замахшарийдек мовароуннаҳлик мутафаккирларнинг, буюк аждодларимизнинг илмий-маънавий меросига таянган ҳолда миллий таълим-тарбия тизими ижобий натижаларга эришишга ёрдам беради. Ёшларни турли мафкуравий хуружлар ва маънавиятга қаратилган таҳдидлардан ҳимоя қилишга, ҳар бир ёш авлодни мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда дунёда юз бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини оширишда миллий маънавий меросимиз муҳим ўрин тутаяди. Хусусан, «Навобиг ал-калим» каби ҳикматлар асосида ёшларнинг одоб-ахлоқи, унинг маънавий ва руҳий оламини сайқаллаш, инсонпарлик хислатларини ошириш мумкин.

<sup>24</sup> Қаранг: Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Ан-Ниам ас-савабиг фи шарҳи Ан-Навобиг. Истанбул: Дорул лубоб. Биринчи нашр. 2018 й. –Б. 73-74.

<sup>25</sup> Зайл сўзи араб тилида – илова деган маънони англатади. қадимдан китоб ва рисола муаллифлари томонидан қўлёзмаларда аллақачон ёзилган матн учун қўшимча тушунтиришлар сифатида ишлатилади. Зайл, яни илова иншо ёки китобнинг асосий қисмидан кейин қўшилган жумла, бўлим ёки ҳатто бир нечта мавзуларни ўз ичига олган бўлиши мумкин. Қаранг: <https://ar.wikipedia.org/wiki/%D8>

<sup>26</sup> Қаранг: Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний. Ан-Ниам ас-савабиг фи шарҳи Ан-Навобиг. Истанбул: Дорул лубоб. Биринчи нашр. 2018 й. –Б. 381-382.